# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси**



## 2001 — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

# Савоб ишга бел боғлаганлар

***Ишчи-хизматчиларнинг манфаатини ҳимоялаш касаба уюшмалари фаолиятида долзарб масала бўлиб, бу борада металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

«Она ва бола» Давлат дастурига биноан тармоқ шаҳар қўмитаси касаба уюшма хизматидаги корхоналарда муҳим тадбирлар ишлаб чиқилиб, шу асосда ижтимоий ҳимоя йўналиши бўйича хайрли ишлар олиб борилмоқда. Мавжуд 10 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги дам олиш мавсумида 3046 минг нафар қорақалпоқ фарзандлари ва 149000 дан зиёд пойтахт меҳнаткашларининг ўғил-қизлари гўзал табиат бағридаги сўлим оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқардилар.

Мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътили даврида тармоқ корхоналаридаги 160 нафар аёл «Алгоритм» акционерлик жамиятининг «Семурғ» санаторий-профилакторийсида соғломлаштирилди. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тармоқ шаҳар қўмитаси томонидан корхоналарнинг касаба уюшма қўмиталари раислари ҳамда илғор ишчилар рағбатлантирилди.

Тармоқдаги қатор корхоналарда бир қанча ибратли ишлар қилинмоқда. Жумладан, «Алгоритм» акционерлик жамиятида корхонанинг санаторий-профилакторийсида даволаниш учун шу йилнинг биринчи ярмида 12 нафар ишчи аёлга 30 фоиз миқдорида, 12 нафар болага бепул йўлланма берилди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларга корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан моддий ёрдам кўрсатилди. Корхонада меҳнат қилаётган 420 нафар аёл Самарқанд шаҳрига саёҳат қилиб, бир олам таассурот билан қайтдилар.

Меҳр-мурувват миллий қадриятларимиздан бири бўлиб, Чилонзор туманидаги 23-Меҳрибонлик уйига корхона касаба уюшма қўмитаси томонидан ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. «Алгоритм» болалар соғломлаштириш оромгоҳи 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг севимли дам олиш масканига айланган.

Бу йилги соғломлаштириш мавсумида ушбу файзли оромгоҳда 90 нафар бола мириқиб дам олди. Кези келганда айтиш керакки, уларнинг кўзларидаги қувончни кўрган киши савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак деган ҳикматли каломга доимо амал қилиш даркорлигини чин дилдан ҳис этади.

«Технолог» корхонасида ишчи аёллар ва ўсмир ёшдаги ишчилар махсус кийим-кечак билан таъминланди ва йил бошида 74 нафар аёл ва 7 нафар ўсмир санаторийларда соғломлаштирилди. 79 нафар аёлга «Камалак» соғломлаштириш мажмуасида даволаниш учун имтиёзли йўлланма берилди. Корхонадаги ёлғиз аёллар ва 14 нафар кўп болали оналарга 85000 сўм, баҳор, гўзаллик байрами 8 март шодиёнаси муносабати билан 8900 нафарга яқин аёлга 920000 сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундай хайрли ишлар «Ўзкабель» Давлат акционерлик жамияти, «Ўзэлектроаппарат», «Фотон» очиқ акционерлик жамиятлари, «Тошкент трактор заводи» Давлат акционерлик жамияти, «Ўзиталмотор» акционерлик жамияти каби корхоналарда оналик ва боликни ижтимоий ҳимоялаш, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг соғлиғини сақлаш, ишда қулайликлар, хавфсиз иш шароитини яратиш сифатида ўз аксини топиб, кўплаб имтиёзлар жамоа шартномасида ифодаланиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Жумладан, «Ўзиталмотор» корхонасида ишчи ва хизматчиларнинг фарзандлари учун бир миллион 200000 сўмлик янги йил совғалари харид қилиниб, ҳар бир совғанинг нархи 3000 сўмни ташкил этса, унинг 10 фоизинигина ота-оналар тўладилар.

Бундан ташқари «Ногирон» ва «Хайрия» ташкилотларига ёрдам тариқасида 180000 сўм миқдоридаги янги йил совғалари ҳадя этилди.

Бундай хайрли ишлар доимо фаолиятимиздаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

**Шоикром ИСРОИЛОВ,**
**Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси шаҳар қўмитасининг раиси.**

ТАДБИРЛАР

# Ёшлар доимо эътиборда

***Халқаро талабалар ва ёшлар кунига бағишлаб Тошкент шаҳрида ўқиётган турли вилоятлардан келган фаол, иқтидорли талабаларни баҳоли қудрат моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни бир-бири билан таништириш, дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида таълим ва фан ходимлари касаба уюшма шаҳар қўмитаси тармоқ касаба уюшма марказий қўмитаси билан ҳамкорликда анъанага айланиб бораётган ажойиб тадбир ўтказди.***

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси марказий қўмитаси раиси З.Қодиров талабаларни табриклаб, совғалар топширди.

Тошкент Давлат техника университети «Ёшлар клуби»нинг умидли санъаткорлари ижросидаги Ватан, ёшлик, меҳр-муҳаббатни мадҳ этувчи ажойиб қўшиқлар ва шоир Бобур Бобомуродовнинг талабаларни қутлаб, талабалик олтин даврини эслаб, бир олам завқ-шавқ билан ўқиган бир-биридан гўзал шеърлари анжуман аҳлига кўтаринки кайфият, даврага файз-тароват бағишлади.

Келажагимиз бўлган азиз ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишлари учун етарли билим билан қуроллантиришни давр талаб этмоқда. Бу борада агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар қўмитаси тизимида амалий тадбирлар ташкил этилмоқда.

Жумладан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида талаба ёшларнинг маънавий-маърифий савияларини ошириш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг учун институт маъмурияти барча факультет, кафедраларга кенг имкониятли шароитлар яратиб берган.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ётоқхоналарида ҳам талабалар кенгаши раислари ва қават бошлиқлари тайинланиб, улар фаол иш олиб боришмоқда.

Тошкент сув хўжалигини мелиорациялаш, Технология, Агро-тижорат коллежларида ва 5-Бизнес мактабида ҳам ўқувчиларнинг аксарият қисмини вояга етмаганлар ташкил қилганлиги сабабли коллеж ходимлари маҳалла қўмиталари билан узвий алоқа боғлаб талабаларни турли тадбирларга жалб қилиш, коллеж ва мактабларда жисмоний тарбия ва маданий ишларни ривожлантиришни ўз олдиларига асосий вазифа деб белгилаганлар.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

• Таълим

**Тошкент геодезия ва картография техникуми деб юритиб келинган ўқув юрти эндиликда касб-ҳунар коллежи деган ном билан аталмоқда. Республикамиздаги бу йирик билим даргоҳига янги мақом берилиши мутахассис кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан янада яхшилаш учун кенг йўл очди.**

# Билим юртига янги мақом

Зеро, коллеж Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси оталиғида фаолият кўрсатиб, шу соҳа ташкилот ва муассасаларига малакали кадрлар етказиб бермоқда. Бўлажак мутахассисларни ҳар томонлама мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида унинг ўқув-моддий негизини мустаҳкамлаш тадбирлари кўрилмоқда.

Бу ерда ўқув кадастр марказининг юзага келиши айни муддао бўлди. Халқаро ТАСИС дастури асосида ташкил топган бу марказ коллежнинг бўлинмаси янглиғ фаолият кўрсатмоқда. Давлат ер кадастри, иқтисодчи-ҳуқуқшунос, ЭҲМ операторлари каби мутахассисларни ўқитишда ҳам марказ амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шу соҳа кадрларига бўлган талаб орта бораётганлиги инобатга олиниб, коллежда картография маркази ҳам очилди.

Билим юртининг Самарқанд ва Нукус шаҳарларида марказнинг шохобчалари ҳам ўз фаолиятини бошлади. Тянь-Шань тоғи этагида эса ўқув-машқ майдончаси мавжуд.

Бундан ташқари шаҳримиздаги қатор корхоналар ўқув-ишлаб чиқариш негизи сифатида коллеж билан алоқа боғлади.

**Акбар АЛИЕВ**

# Фанда янги технологиялар

Яқинда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Инновация-2001» халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари, шу соҳага оид мутахассислар иштирок этди.

Таълим соҳасига янги технологияларни киритиш, техника олий ўқув юртларида фундаментал фанларни жорий қилиш, физика, кимё, математика, информатика фанлари йўналиши бўйича талаба-ёшларга чуқур билим ва малака бериш масалалари анжуманнинг асосий мақсадларидан бири бўлди. Бу халқаро илмий-амалий анжуманнинг иккинчи куни «Ўзкўргазмасавдо» биносида «Инновация ва компьютер технологиялари-2001» номли кўргазма намойиш этилди.

**Орзугул РУСТАМОВА**

## Шарқ дурдоналари

# Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

• Кўп китоб йиғиш ва кўп дўст орттиришда маъно йўқ, асл маъно — китоб ва дўстни танлашдадир.

• Ўзини олим, фозилман деб мақтаниш, шу билан ғурурланиш — жаҳолатнинг бир кўринишидир.

• Бир одамнинг айби, гуноҳи ҳақида тўла маълумотга эга бўлмасанг, унинг айбдор эканини аниқ билмасанг, унга душманлик назари билан қарама, зарар ва захмат етказма.

• Ўзинг ва оилангга етарли нарсага рози бўл, қаноат қил, кўпни истама, очкўзлик, хасислик оқибати пушаймонликдир.

Шайх Саъдий айтади: эшитишимга кўра бир диёнатли, ақлли одамни бир фосиқ — маст одам ҳақорат қилди ва унинг ёқасидан тортиб, бошига бир мушт урди. Диёнатли одам эса фосиқнинг ҳақорати ва муштига чидади. Сабр қилди. Унга қарши бирор сўз айтмади.

Фосиқнинг адабсизлигини кўриб турган бир одам ақлли, диёнатли одамга деди:

— Сизда мардлик, эркаклик туйғуси йўқми?.. У нопок одам ҳақорат қилиб муштласа ҳам индамайсиз, жазосини берсангиз бўлмайдими?

Диёнатли одам унга бундай деб жавоб берди:

— Биродар, мени ҳақорат қилиб, муштлаган одам ичкилик ичиб жуда маст бўлган одам эди. Ақлли ва ҳушёр одамнинг жоҳил, маст одам билан олишиб туриши муносиб эмас, агар мен ҳам уни ҳақорат қилиб, муштлаган бўлсайдим, мен билан у жоҳил орасида ҳеч фарқ қолмасди.

Байт:

**Яхшилик ва сулҳга интилар доно,**
**Жаҳолат, жанжалга интилар нодон.**

• Нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхши. У дўст бўла туриб шундай кунларни бошингга соладики, кейин душман чангалидан қочиб қутулолмайсан.

• Сўраб-суриштирмай ҳар қандай одам билан дўстлашган кишининг ўзи нодон.

• Заифдан қўрқоқ, алдамчи дўстдан душман афзал.

Қисса: туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ўзича ов қилиб юрган экан оч шерга дуч келиб қолибди. Шер унга ташланмоқчи бўлиб турганда тулки шерга ёлворибди.

— Эй ҳайвонлар бобоси, шафқат қилинг, мен сизга яқин орада юрган азиз дўстим туяни кўрсатаман. У басавлат, серroutine гўшт, мен эса бир кичик, озғин, нотовон махлуқман.

Шер дебди:

— Аввал сени даф қиламан, кейин дўстингни тутиб ейман.

Шер бир ташланиб тулкини бурдалаб ебди, сўнг туяни топиб уни ҳам ҳалок этибди.

Ҳисса: дўст танлашда адашмаслик керак. Аввал уни синаб, сўнг эътимод этмоқ даркор. Ўзингиз ҳам дўстлик ипларини бевафолик, ғаддорлик балоси билан узманг, илло сизнинг бошингизга ҳам ҳийлагар тулкининг куни тушмасин.

Байт:

**Кимки дўстликни хор айлабди, уни —**
**Қисмат жазолагай — чиқиб тутуни.**

Фозил кишилардан Асмоний шундай ҳикоя қилади.

— Мен бир кишининг ҳузурига кирдим. У киши ўзи ўтирган бўйранинг чеккасидан жой кўрсатиб, мени ўтиришга таклиф этди.

— Раҳмат, ўзингиз ўтираверинг, мен ҳам ўтирсам, сизга озгина жой қолиб, роҳатингиз бузилади, — деб узр айтдим.

У киши узримни қабул қилмай деди:

— Бир-бирига гапи тўғри келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам торлик қилади, аммо дўстлар учун бир қарич ер ҳам бемалол етаверади: «Торга —тор дунё, кенгга— кенг дунё» деб шунга айтадилар-да.

**• Она бўлса фарзанд хор бўлмас,**
**Афсус кимдир онани билмас.**
**• Чўктирма ҳеч вақт она кўнглини,**
**Суянчиғи бўл, букма белини.**
**• Она билан ёруғдир олам,**
**У бор бўлса кўнгил хотиржам.**

Ҳикоят: бир доно ҳакимнинг ақлли, зукко, одоб-ахлоқда камоли баланд шогирди бор эди. У хонадонида саксондан ошган онажониси ва асранди етим укаси билан яшар эди. Бир куни ҳаким зукко шогирдини қаршисига ўтказиб, савол-жавоб билан унинг дунёқарашини имтиҳон қилди.

— Эй азиз фарзандим, менинг тарбиямда ўсиб-улғайдинг, ҳаётнинг паст-баландини кўриб камол топдинг... Энди сендан бир нарсани сўрамоқчиман.

— Вужудим билан тинглайман устод, сўранг.

— Дунёда энг азиз, энг мўътабар, энг мукаррам деб нимани биласан? Ҳаётингда нималарга қаттиқ эътиқод қўйгансан?

Шогирд бир зум ўйланиб шундай жавоб қилди:

— Дунёда башарият қуёшини, онамнинг саксон ёшини, етимнинг кўз ёшини энг мўътабар деб биламан.

— Бу гапнинг таърифи қандай бўлади?

— Башарият қуёши — бу инсонларнинг устози бўлган доно устозлар, саксон ёшли она — бу, фарзандига қарам, мушфиқ инсон, уни эъзозлаш керак. Етим кўз ёши бу, етти дарёни қуритади, унинг ҳаққига хиёнат қилмай, ўкситмай камол топтириш керак.

— Балли зукко ўғлим, — деди доно ҳаким шогирдига, — ҳаётга, одамларга шундай эътиқод билан қарасанг бир умр бахт-саодат топасан.

Байт:

**Хам қилмайлик оналарнинг бошини,**
**Душманлар кўрмасин кўзда ёшини.**

• Инсон — олам безаги.

• Инсон доно, одми, одил, жасур ва саховатли бўлиши керак. Шундагина у инсон деган юксак унвонга лойиқдир.

• Ҳаёт — бу бетўхтов камолотдир.

• Инсон — бир бутун олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.

Байт:

**Мен инсонман деган улуғ фикр-ла,**
**Ҳамиша кўксимни тутаман баланд.**

АНЖУМАНЛАР

# Меҳнаткашларга ғамхўрлик

***Тошкент шаҳар касаба уюшмаларида шундай тажриба бор. Кенгашга бирлашган ўндан зиёд шаҳар тармоқ касаба уюшма қўмиталари вақти-вақти билан касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш ва бу ишни янада яхшилаш мавзуида эришилган энг яхши тажриба асосида семинар-кенгаш ўтказадилар. Бу тажриба сўнг ҳамма тармоқда жорий этилади, оммалаштирилади. Навбатдаги семинар-кенгаш Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитасининг «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилди ва меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, компания ходимларини соғломлаштириш масалаларига бағишланди.***

Семинар қатнашчилари дастлаб «Навбаҳор» санаторий-профилакторийсида бўлдилар. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, санаторий-профилакторий Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ҳисобидан ажратилган маблағлар ҳисобидан фаолият кўрсатади.

Бу ерда асосан «Шарқ» акциядорлик компанияси ишчи-хизматчилари соғломлаштирилади, шу билан бир қаторда шаҳар маданият тармоғидаги ходимлар шаҳар уюшма қўмитасининг ташаббуси билан ана шу санаторий-профилакторийда дам олишади ва соғломлаштирилмоқда.

Таъкидлаш керакки, мазкур даволаш муассасаси меҳнаткашларнинг энг севимли масканларидан бирига айланган. Шунинг учун ҳам йўлланмага эҳтиёж йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Семинар қатнашчилари даволаш-соғломлаштириш ишлари билан бевосита танишдилар.

Санаторий-профилакторий бош шифокори Д.Мухторова электр билан даволашнинг жуда кўп турларидан фойдаланилаётганини ва замонавий тиббий асбоб-ускуналар борлигини таъкидлади. Сув билан даволашда турли ванналар, айланма душ, сув ости уқалаш, шарка, сауна, чўмилиш ҳовузи ва бошқалар мавжуд.

Бу йилдан бошлаб Жиззахдан келтирилган балчиқ билан даволаш кенг қўлланилмоқда. Бу муолажа бўғимлар шамоллаши, тузларнинг йиғилиши, бод, аёллардаги шамоллаш касалликларини даволашда жуда қўл келмоқда.

Гиёҳшарбатхонага-ку баҳо йўқ. Санаторий-профилакторий гиёҳлар билан шуғулланувчи нуфузли ташкилотлар билан боғланиб, ўлкамизнинг алколоидга бой ўтўланлари билан даволашни кенг йўлга қўйган. Бу борада қатор янги услублар, технологиялар, илмий ечимлардан фойдаланилмоқда. Улар соч тўкилиши, аллергияларнинг олдини олишдан тортиб, қанд, бўғма, қон босими каби жуда кўп касалликлардан даволанишни ўз ичига олади.

Игна билан даволаш ишлари семинар қатнашчиларини ниҳоятда қизиқтирди. Игна билан даволовчи шифокор Убайдулла Сайфуллаев Хитой, Покистонда малака ошириб келган ва даволашнинг жуда кўп усулларини ўзлаштирган. Қон босими, бўғим-суяк, аллергия касалликлари ва бошқа кўплаб касалликларни муваффақиятли даволамоқда. У яқинда яна бир йўналишни — «Су-жок» терапияни бошлади. У қўл кафтига игна қўйиб ташхис қўйиш ва даволаш демакдир.

Мазкур даволаш муассасасида даволаш жисмоний тарбиясига катта эътибор билан қаралмоқда. Турли-туман тренажерлар доимо дам олувчилар ихтиёрида.

Тадбир қатнашчилари санаторий-профилакторийда соғломлаштириш муддатлари, даволаниш курси билан қизиқдилар. Мазкур муассасада даволаниш ва соғломлаштириш корхона жамоаси манфаати нуқтаи назаридан туриб белгиланган. Чунончи, даволаниш муддати 12, 18, 21 кундан иборат. Бундан ташқари жума, шанба, якшанба кунларига икки ва уч кунлик дам олишлар ташкил қилинган.

Йўлланмаларни тўғри тақсимлаш, бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олиб арзонлаштириш, яъни бу борада касаба уюшма аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш раҳбарият ва касаба уюшмасининг доимий эътиборидаги масалалардан бирига айланган.

Ходимлар йўлланманинг 30 фоизини тўлашлари лозим. Бу борада ҳам янгилик қилинди. Ишчи-хизматчилар энди йўлланманинг 20 фоизини тўлайдилар, корхона маъмурияти эса ҳар бир ишловчи учун яна 10 фоиз миқдорини қўшимча тўлайди. Йўлланмалар ишловчиларнинг оила аъзоларига, илгари ишлаб кетган фахрийларга ҳам берилади. Иккинчи жаҳон ва афғон уруши қатнашчиларига йўлланмалар бир йилда бир марта бепулдир.

Оналар ва болалар йили муносабати билан етти ёшгача фарзанди бўлган оналарга фарзанди билан даволанишга бепул йўлланма тақдим этиш йўлга қўйилган.

«Навбаҳор» санаторий-профилакторийсида компания ишчи-хизматчиларидан ташқари шаҳар маданият тармоғи касаба уюшма аъзолари ҳам дам олмоқдалар ва соғломлаштирилмоқда. Шу йилнинг ўзида шаҳар маданият тармоғидан 220 нафардан кўп ходим «Навбаҳор» бағрида бўлди ва соғлиғини тиклади. Бундан ташқари экологик муҳит ноқулай бўлган Қорақалпоғистон ва Хоразмдан келган 100 нафардан кўп хотин-қиз «Навбаҳор»да 18 кундан бепул даволантирилди.

Компания ихтиёрида бундан ташқари Бўстонлиқ туманининг энг гўзал гўшаларидан бири бўлган Янгикўрғон дам олиш ҳудуди ва «Фазогир» номли болалар соғломлаштириш оромгоҳи бор.

— «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида ишловчиларни соғломлаштириш ишлари юзасидан анча бой тажриба тўпланган, бу борада меҳнаткашларга ижтимоий ҳимоялаш ишлари ҳозирги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб беради, — дейди Тошкент шаҳар маданият ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Саид Алимхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош директори Бобир Алимов семинар-кенгаш қатнашчиларига корхонада меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида хавфсиз иш шароитларини яратиш, жаҳон талаблари даражасидаги, чет элдан, хусусан Германиядан келтирилган янги хилдаги асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш, моддий манфаатдорликни ошириш, шунингдек, мустақил Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўртасида маънавият ва маърифат ишларини юқори даражада олиб бориш тажрибалари ҳақида, компания жамоасининг олиб бораётган ташвиқот-тарғибот ишлари тўғрисида сўзлаб берди.

Семинар қатнашчилари цехларда бўлдилар, ишлаб чиқариш билан танишдилар. Тадбир сўнгидаги раислар ва фаоллар давра суҳбати қизғин савол-жавоб асосида ўтди.

**Будир ПЎЛАТОВ**

# Қизиқарли беллашувлар

***Агросаноат мажмуаси Тошкент шаҳар касаба уюшмаси қўмитаси (раиси Нoила Умарова)нинг «Агросаноатчи» жисмоний тарбия — спорт клубида «Соғ танда — соғлом ақл» нақлига доимо риоя қилиб келишади.***

Улар ташкил этаётган спорт мусобақалари агросаноат мажмуаси ходимларининг соғлиқлари мустаҳкамланишига омил бўлмоқда, бу эса ўз навбатида уларнинг иш қобилиятларининг ошишидек хайрли натижаларга олиб келмоқда.

Яқинда мажмуа касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ишчи-хизматчилар ўртасида яна бир спорт мусобақаси ташкил этилди — йигирма кун давомида мини-футбол бўйича қизиқарли беллашувлар ўтказилиб, унда «Тошмарғёғ», «Нон-паста», «Саховатнон», «Сағбон-нон», «Марказий комбинат», «Тошкентвино комбинати», «Ўзбекистон Сифат Маркази» каби акционерлик жамиятлари, «Сувмаш» ва «Иргидромаш» корхоналари, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти жамоалари ғалаба учун кураш олиб боришди.

Ниҳоят, умидбахш ва сермаҳсул натижалар кўрсатган икки жамоа — «Марказий комбинат» АЖ ва Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти финалга чиқди. Институт спорт залида ўтказилган якуний баҳсда меҳмонлар — «Марказий комбинат» ҳаваскор футболчиларининг 3:1 ҳисобида қўллари баланд келиб, мини-футбол турнирида зафар қучишди. Учинчи ўрин «Тошкентвино» АЖ жамоасига насиб этди.

**Муҳайё ИСАЕВА**



# Болалар хандаси

Тоға:

—Толибжон, сенга ҳайронман.

Толибжон:

— Нега ҳайронсиз?

Тоға:

— Мўмин деган одобли бола билан ўйнаб юрганингни кўриб хурсанд бўлувдим. Уни ташлаб яна олдинги такасалтанг бола билан ўйнаяпсан. Ёмоннинг қораси юқар, деган мақолни эшитмаганмисан?

Толибжон:

— Нима қилай? Мўминнинг дадаси чақирволиб, шеригинг такасалтанг боланинг оғайниси эди. Энди у билан ўйнаганингни кўрсам, қулоғингни кесиб оламан, деди. Мен эмас, Мўмин мени ташлаб кетди, тоғажон.

* * *

— Опажон, туянинг думи қачон ерга тегаркин? Пойлайвериб зерикдим. Тегса зўр нарсага эга бўлардим-де.

— Эсинг жойидами, синглим. Нима деганинг, бу?

— Ойим-чи менга тилла зиракни туянинг думи ерга текканда олиб бераман, деган эдилар.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ**

СПОРТ — САЛОМАТЛИК МАНБАИ

# «Умид ниҳоллари»: кейинги таътилда учрашгунча...

***Ўқув йили иккинчи чорагининг биринчи ўн кунлигига якун ясалаётган бўлса-да, ўқувчилар орасида кузги таътил пайтида ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақалари устида баҳслар ҳанузгача давом этмоқда. Улардаги бундай ҳолатни тушуниш мумкин: кечагина шунчаки тўп тепиб ёки шашка ўйнаб юрган болалар биринчи маротаба спорт майдонида ўзаро беллашиш, ғолиблик учун интилиш нима эканлигини «Умид ниҳоллари» мусобақаларида фаол иштирок этган ҳолда билиб олдилар. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ислом Зокиров билан суҳбатимиз ҳам «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг мақсад ва вазифалари, болалар учун фойдали томонлари тўғрисида бўлди.***

— Дарҳақиқат, ўтган йили олий ўқув юртлари ўртасида «Универсиада» ўйинлари, ўрта махсус таълими тизимида «Баркамол авлод» мусобақаларининг шу йили баҳорда ўтказилиши қандай катта эътиборга лойиқ бўлган бўлса, мактаблар ўртасида биринчи маротаба «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг дастлабки босқичлари ҳам жуда яхши натижалар берди. Қолаверса, қисқа вақт ичида бундай улкан ва оммавий тадбирга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш осон бўлмаганлигини инобатга олган ҳолда, нафақат ҳайъат аъзолари, кўпчилик — ота-оналар, мутасадди муассасалар раҳбарлари томонидан «Умид ниҳоллари» орқали болаларнинг спортга бўлган қизиқишларини янада кенгайтириб, мустаҳкамлаш учун жойларда барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилаётгани ҳам эътироф этилди.



**— «Умид ниҳоллари» ҳар бир мактабда алоҳида дастур асосида ўтказилдими ёки бу борада махсус низом қабул қилинганми?**

— Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий олимпия қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг «Умид ниҳоллари» мусобақаларини ўтказиш ҳақидаги қўшма қарорига мувофиқ Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан махсус йўриқнома ишлаб чиқилди. Ушбу йўриқнома мактабларда спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишда педагогик жамоага ва жисмоний тарбия ўқитувчиларига қўлланма сифатида тарқатилди. «Умид ниҳоллари»нинг иккита босқичи муваффақиятли якунлангани жойларда йўриқномада белгиланган барча қоида ва шартларга тўлиқ амал қилинганидан далолат беради.

**— Нима учун «Умид ниҳоллари»ни айнан ўқув йили давомидаги таътиллар пайтида ўтказиш режалаштирилди? Мусобақаларни босқичма-босқич ўтказиш шартлари билан ҳам таништириб ўтсангиз.**

— Асосий мақсад, албатта, болаларнинг бўш вақтини тўғри ва мазмунли ташкил қилишдан иборат. Шу билан бирга уларнинг спортга бўлган қизиқишларини ҳар томонлама шакллантириб, жисмонан соғлом ва бақувват бўлишларига эришишдир. Бу эса ўз навбатида уларнинг Ватанига, халқига садоқатли инсон бўлиб, камол топишларида асосий восита сифатида ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида таълим тизимининг узлуксиз талабларига уйғунлашган доимий фаолиятдаги оммавий спорт тизимининг биринчи бўғинига айланган «Умид ниҳоллари» мусобақалари тўртта босқичда ўтказилади.

Биринчи — мактаб босқичида сентябрь-октябрь ойларида барча синфлар ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Мактаблар сонига қараб 4-6 ўрамларга бўлиниб, жамоалараро беллашувлар ўтказилди, сўнг ҳар бир ўрам бўйича ғолиб топилган мактаб жамоалари якуний туман босқичида иштирок этишди. Биринчилардан финал босқичлари Шайхонтоҳур, Яккасарой, Миробод, Акмал Икромов, Бектемир, Сергели туманлари мактабларидаги мавжуд спорт ўйингоҳларида ўтказилди. Ҳар бир туман бўйича 11 та биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларидан тузилган мактаб жамоалари «Умид ниҳоллари»нинг дастлабки ғолиблари деб топилган бўлса, умуман олганда биринчи ва иккинчи босқичда 317 та шаҳар мактабининг 360 мингга яқин ўқувчилари иштирок этди, шу жумладан 130 мингдан зиёд бошланғич синф ўқувчилари қатнашди. 1-4-синфлар учун спорт мусобақалари «Қувноқ стартлар» сифатида ўтказилган бўлса, юқори синфлар учун футбол, қўл тўпи, баскетбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, теннис, сузиш, кураш, белбоғли кураш каби 11 та спорт тури бўйича бўлиб ўтади.

**— Кузги таътил кунларида фақат 1-4-синф ўқувчилари учун финал босқичлари ўтказилди. Юқори синфлар нима билан машғул бўлди?**

— Низомга асосан, улар учун мусобақалар иккинчи босқич ўйинлари сифатида ўтказилди. Учинчи — қишки таътил пайтидаги босқичда ўйинлар 5-7 синфларга белгиланган спорт турлари бўйича якунланса, 8-11 синфлар учун — учинчи босқич ўйинлари сифатида ўтади. Улар ўртасида ғолибликни қўлга киритган мактаб терма жамоалари баҳорги таътил пайтида Фарғона шаҳрида ўтказиладиган республика финал босқичида иштирок этади.

**— Ислом Исоқович, ҳар бир тадбир маблағ сарфланиши билан бевосита боғлиқдир. Бу борада масала қандай ечимини топмоқда? Балки бошқа масалалар юзасидан муаммолар ҳам бўлгандир?**

— «Умид ниҳоллари» мусобақалари кўпчилик ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди. Мусобақаларнинг дастлабки босқичларини ўтказишда шаҳар, туман ҳокимликлари, ҳомий корхона ва ташкилотлар томонидан яқиндан ёрдам кўрсатилди, айрим маҳаллалар ҳам ташкилий ишларда фаол иштирок этишди, саховатли кишиларнинг ҳиссалари ҳам сезиларли бўлди.

Мусобақалар оммавий тарзда ўтказилганлиги сабабли жойлардаги мавжуд муаммолар айниқса, кўзга ташланди деса ҳам бўлади. Масалан, айрим мактабларда катта футбол, катта теннис учун шароитлар йўқлиги спортнинг бу турлари яхши ривожланмаганлигига сабаб бўлаётгани аниқланди, сузиш ҳавзаларининг сони ҳам етарли даражада эмас, ҳаттоки туман миқёсида ҳам. Ўйинлар давомида бу муаммоларни четлаб ўтиб, туман ҳудудида жойлашган спорт мажмуалари ёки ёндош мактаблар шароитларидан чиққан ҳолда бор имкониятлардан тўла фойдаланилди десак бўлади. Бироқ «Умид ниҳоллари»ни анъанавий қилиш ниятимиз бор экан, мавжуд муаммоларнинг амалий ҳал этилишига тезкор ҳаракат қилишимиз даркор ва, ўйлайманки, бу борада ҳеч ким четда томошабин бўлиб қолмайди.

Сўзим якунида барчага яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг учинчи босқичи қишки таътил кунлари ўтказилади. Демак, «Умид ниҳоллари» билан янги йилда кўришгунча деб қоламиз.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

# Қурумсоқнинг жаззаси

Абдираҳимни қўшни хонадаги бошқа бўлимга ўтказишди. У ердагиларнинг ҳаммаси илгаридан таниш бўлгани учун янги жойда ўзлашиб олишга кўп вақт керак бўлмади. Бири билан ака, бири билан ука бўлиб, биродарлашиб кетди. Бўлим мудири ҳам яхши одам экан. Фақат унинг ўринбосари ғалатироқ. Салом берсангиз, алик олмайди, «э-эй, мазам йўқ», дейди. Негаки, «ва алайкум ассалом» деса, «сиз ҳам тинч-омон бўлинг» деб, бировга яхшиликни раво кўрган бўлиб қолади. Бунга эса йўл қўя олмайди. Чунки у қурумсоқ. Бас, бировга ҳеч нарсани раво кўрмайди. Ҳатто, хиёбонда газет ўқиб ўтирган танишининг ортидан келиб қолса, олд томонига ўтиб, индамай туради — таниши бошини кўтариб, салом беришини кутади. Олдин салом берса, «ҳақи» кетади. Ёнидан бир сўм чиққудек бўлсаку жони қўшилиб чиқади. Транспортда билет олмайди. Бунга ҳам ҳамроҳи олишининг йўлини топади. Ёхуд билет олмай тушиб кетаверади. Овқатга бирга чиқишса ҳам шундай, унинг учун биров тўлавориши пайида бўлади.

Абдираҳим унга қандай муносабатда бўлишни кўп ўйлади. Бутунлай гаплашмай қўяй деса, каттага ҳурматсизлик, одобдан эмас: ўринбосар бўлимдагиларнинг ҳаммасидан катта ёшли, уни бекорга «Оға» дейишмайди. Кўзига кўринмай деса, бунинг иложи йўқ — бўлим раҳбарлари ҳам, жумладан Оға ҳам, ходимлар билан бир хонада ўтиришади. Ўйлаб-ўйлаб Абдираҳим ҳар қалай ўзини ундан узоқроқ олиб юрадиган, транспортда рўпара келиб қолмаслик учун ишга беш-ўн дақиқа олдинроқ келадиган, пешинда емакхонага чиқишса, бир столда ўтирмасликка ҳаракат қиладиган бўлди. Лекин бир фикр хаёлидан чиқмасди: наҳотки, бир одам ҳаммани лақиллатиб, аҳмоқ қилиб юраверса-ю жамоадаги ҳеч ким ҳеч нима демаса?..

Жудаям унчалик эмас экан. Бир куни ораларидаги энг пазанда йигит Абдираҳимга: «Оғанинг содда-мўғанбирлиги ҳаммамизнинг жонимизга теккан, кўп ўйлайверманг. Бугун ўзингиз кўрасиз, таъзирини берамиз», — деди. Кечга яқин, иш тугаши олдидан, ҳаммалари хонада эканида ўрнидан туриб: «Эртага ойнинг учинчи шанбаси. Чойхонада ош қиладиган кунимиз. Бу гал бошқачароқ йўл тутамиз: ошдан кейин эмас, ҳозир пул йиғамиз, неча кишилик харажат қилишимиз аниқ бўлади, ортиқ-ками бўлса, сурișaверамиз, қани, эртага ош ейдиганлар бир кило гуруч нархини мўлжаллаб узатаверинглар» деб, пул йиға бошлади. Биринчи бўлиб бўлим мудири пул берди. Бирин-кетин қолганлар ҳам узата бошлашди. Оға шартта чўнтакка қўл солиб, ўрнидан турди. Эшик томон юрди. Бир-иккиталар «ҳа, оға» дейишса, «ҳи-ҳи, мен ҳозир» деб чиқиб кетди. Шу кетганча бадар кетди. Қолганлар одатдагидан бўлак чойхонада учрашадиган бўлиб тарқалишди.

Эртасига ошхўрлардан бири кўчада Оғани учратибди. Оға «чойхонагами?» деб сўраган экан, «Сиз бораверинг, мен дўконга кириб, кейин бораман» деб уни йўлатмабди. Ош қаерда эканини айтмабди. Равшанки, Оға ўша аввал бориб юришган чойхонага йўл олган. Ўсал бўлиб уйига кетган бўлиши керак.

Душанба куни Оға ишга келмади. Кимдир «текин томоқ йўқлиги йиқитибди-да» деб ачитди. Иккинчи биров: «нафасингни иссиқ қил, нима бўлса ҳам эсон-омон юрсин» деган жавоб қилди. Сешанбада Оға, ҳеч нима бўлмагандай келиб, ишини қилаверди. Фақат ҳалфанага бормай қўйди. «Ҳаҳ, таъсир қиларкан-ку!» деб, ҳамма хурсанд. Бироқ, Оға пинагини бузмади. Илгари қандоқ бўлса шундоқ, «ҳунарлари»ни кўрсатаверди.

Бир куни Абдираҳим наҳорда тўй ошига борадиган эди. Бекатга келса, Оға турган экан. Бирга кутишди. Энг биринчи трамвай келди. Бекатда булардан бошқа йўловчи бўлмагани учун ҳайдовчи ўзига яқин, олдинги эшикни очди. Оға ҳайдовчи ёнидан лип этиб ўтиб, иковидан бўлак ҳеч ким йўқ, салоннинг ўртасига бориб ўтириб олди. Абдираҳим ҳайдовчига пул узатди. Ҳайдовчи олгандан кейин Оға «э, мен берардим, ҳи-ҳи» деди. У кишининг бундай «ҳотамтой»лигини кўп кўргани учун бўлса керак, Абдираҳимнинг қувлиги тутди. Ҳайдовчига: «Биродар, мен янглишибман», — деб пулини қайтариб олди-да, — «у киши тўларканлар» деди.

Трамвайдан тушаётганда Оғанинг олдинга ўтиш уринишларига Абдираҳим йўл бермади. У кишининг ёши катталигига қарамай, олдин тушиб кетди. Оға орқа эшикка қараб-қараб қўйиб, у очилавермагандан кейин, пул узатишга мажбур бўлди. Ҳайдовчи пулни олиб:

— Икки кишисиз-ку, — деса, Оға:

— Унинг ҳужжати бор, — деди. Ойлик билети ёнида бўлса ҳам Абдираҳим:

— Ҳужжатим уйда қолибди, — деди.

Оғанинг ранги ўчиб, яна бир кишига ҳақ тўлади. Бу гал негадир «ҳи-ҳи» демади...

Оға энди ҳам жаззасини емасмикин? Буни Худо билади.

**Эркин ЖАББОРОВ**

ОБУНА — 2002 ..............

# Журналистлар журнали

«Туркистон матбаачиси» номи билан бундан 83 йил муқаддам дунё юзини кўрган «Ўзбекистон матбуоти» журнали мустақил мамлакатимизнинг қалам соҳиблари, телерадио журналистлари,ноширлари, матбаачилари, китоб савдоси ходимларига, шу кунларда таълим олаётган бўлажак журналистлар ва матбаачиларга, шунингдек, таҳририятларнинг энг яқин кўмакдошлари — жамоатчи мухбирларга мўлжалланган ягона нашрдир.

Журнал тарихи ҳур диёримизнинг тарихи билан чамбарчас боғланиб кетган. Давр вазифаларидан келиб чиқиб нашрнинг номи бир неча бор ўзгарган бўлса ҳам, у асосий мавзу — журналистикамиз, нашриётларимиз, матбаачилигимиз, телерадио хизмати, жамоатчи мухбирлар ҳаракати тараққиёти билан боғлиқ мавзуларни изчиллик билан ёритиб келмоқда.

Журналнинг даврий нашрлар қаторида ўз ўрни, ўз мундарижаси, ўз мавқеи бор. Унинг саҳифаларида газета-журналлар таҳририятлари, телерадио журналистлари, ношир ва матбаачиларнинг, китоб савдоси ходимларининг қувончу ташвишлари, ўй-мақсадлари, бўлажак журналист ва матбаачиларнинг орзу-истаклари, жамоатчи мухбирларнинг хат-хабарлари, ҳаваскор ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари чоп этилаётир. «Муҳаррир минбари», «Нашриёт», «Матбаачилик», «Телевидение. Радио», «Китоб савдоси», «Барҳаёт сиймолар», «Фахрийлар — фахримиз», «Матбуотимиз фидойилари», «Сўз — жамоатчи мухбирларга», «Очиқ ва аччиқ гаплар», «Ҳамкасбларимиз ҳақида ҳикоя қиламиз», «Матбаамиз жонкуярлари» унинг доимий рукнларидир.

Мамлакатимиз ижодкорларининг истиқлол ғалабаларини мустаҳкамлаш, миллий мафкурани шакллантиришга доир таклиф ва мулоҳазаларига, дил сўзларига журнал саҳифаларидан кенг ўрин берилади. Оммавий ахборот воситаларини равнақ топтириш, журналист кадрларни тарбиялаш сингари муҳим мавзулар атрофлича ёритилади. Айни чоғда бозор иқтисодиёти шароитида қаламкашлар, нашриёт-матбаа ходимлари дуч келаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари «Матбуот ва бозор иқтисодиёти», «Бизнинг мусоҳаба», «Нуқтаи назар», «Матбуот шарҳи» каби рукнларда қизғин муҳокама қилинади.

Бўлажак журналистлар учун «Савол-жавоб», «Бугунги талаба — эртага журналист» рукнлари остида чиқишлар уюштирилмоқда.

Журнал саҳифаларида Ўзбекистон матбуоти ва матбааси тарихи, журналистикамиз тамал тошини қўйган фидойи ва забардаст қалам соҳиблари ҳаёти ҳамда ижодига оид туркум мақолалар берияпти.

Республикамиз қаламкашларининг хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганлиги мавзуидаги мақолалар «Ўзбекистон ва жаҳон», «Ўзбекистон — жаҳон нигоҳида», «Журналист хориж сафаридан қайтди» рукнлари остида бериб борияпти. «Замонавий ёдномалар», «Бир сурат тарихи» мавзуида ранг-баранг хотиралар ва эсдаликлар ёритилмоқда.

Азиз ҳамкасблар — матбуотимиз мухлислари, журналимизнинг энг яқин кўмакдошлари бўлмиш журналист ва матбаачи касбини эгаллаётган талабалар, жамоатчи мухбирлар! Айни кунларда матбуот ходимлари ва мухлисларининг доимий йўлдоши ва содиқ ҳамроҳи, маслаҳатгўйи — «Ўзбекистон матбуоти» журналига 2002 йил учун обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда. Журналнинг обуна баҳоси бошқа даврий нашрларникига қараганда анча арзон қилиб белгиланган. Жумладан, Тошкент шаҳрида журналнинг бир йиллик обуна баҳоси — журнал алоқа бўлимига етказиб бериладиган бўлса — 1020 сўмни, уйингизга етказиб бериладиган бўлса — 1140 сўмни ташкил этади.

Журналимиз индекси — 883.

Журнални йил бўйи канда қилмай ўқиб бораман десангиз, унга ўз вақтида обуна бўлинг.

**Абдуғани АБДУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррирининг ўринбосари.**

# Носир Мавлонович ВАСЛИЕВ



Бешафқат ўлим Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Носир Мавлонович Васлиевни орамиздан олиб кетди.

Носир Мавлонович Васлиев 1921 йил Тошкент вилоятининг Пискент туманида туғилган.

У Москвадаги Давлат кинематография институтини тугаллаганидан сўнг, бир неча йил «Ўзбекфильм» киностудиясида кинооператор бўлиб ишлади, сўнг Тошкент шаҳридаги «Ватан» кинотеатри директори лавозимига тайинланди. Кейинчалик Маданият ишлари вазирлигининг Кинематография бошқармаси бошлиғи ўринбосари вазифасида ишлади.

Узоқ йиллар давомида Н. М. Васлиев Ўзбекистон ҳужжатли фильмлари киностудиясида, «Ўзбекфильм» киностудияси, Тошкент грампластинка студиясида раҳбарлик лавозимларида самарали меҳнат қилди. 1991 йилдан умрининг охирига қадар у Халқлар дўстлиги саройида бош маъмур лавозимида фаолият кўрсатиб келди.

Носир Мавлонович Васлиев кинематография соҳасини ривожлантиришга қўшган кўп йиллик самарали хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланди.

Носир Мавлонович Васлиев ҳалол, фидокорона меҳнати, моҳир ташкилотчилик қобилияти, инсоний фазилатлари учун маданият ва санъат ходимлари ўртасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

Фидойи инсон, садоқатли дўст, жонкуяр ташкилотчи Носир Мавлонович Васлиевнинг порлоқ хотираси қалбимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Бир гуруҳ дўстлари**

ТАҚДИМОТ

# Замонавий русумдаги кинотеатр

«Шарқ» маданият-маърифат марказида тасмадаги воқеа-ҳодисаларда иштирок этиш самарасини берувчи DVD тизимидаги ва стерео овозли кинофильмлар намойиш этиладиган янги кинозалнинг очилишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Журналистлар ва санъаткорлар иштирокида ўтган тадбирда марказ раиси Гулчеҳра Юсупова режалар тўғрисида сўзлар экан Интернет клуби билан бирга журналистлар учун матбуот клуби ҳам очилаётгани ва бу ерда келгусида санъаткорлар билан учрашувлар ўтказилиши, оммавий ахборот воситалари ходимларининг китоблари тақдимоти, бошқа қизиқарли тадбирлар тез-тез ўтказилиб турилиши, бинобарин, марказ эшиклари журналистлар учун доимо очиқ бўлишини билдирди. Таниқли режиссёр Мэлс Афзалов, ўзбек киноси юлдузлари Ўлмас Алихўжаев, Гулчеҳра Жамилова, Раъно Зокировалар марказ қошида журналистлар ва санъаткорлар учрашувларининг йўлга қўйилиши, ўзаро ижодий мулоқотлар ҳар иккала соҳа вакиллари учун фойдадан ҳоли бўлмаслигини таъкидлаб ўтдилар.

**Даврон ИСМАТОВ**

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

# Лоқайд, эътиборсиз бўлмайлик

Умр — оқар дарё, дейдилар. Ҳаёт ўз маромида давом этади. Кунлар тунларга уланиб, ўз ташвишларимизга берилиб вақт ўтганини баъзан сезмай ҳам қоламиз. Ёру дўстлар билан учрашиб қолсак саломатлигини, оила тинчлигини сўраб-суриштирамиз. Лекин ўзингизнинг лоқайдлигингиз, масъулиятни унутиб қўйишингиз натижасида ёнғин содир бўлганда-чи? Нима учун биз соғлиғимиз ҳақида фақат уни йўқотгандан сўнг, тинчлигимиз хусусида эса фожиа юз берганда ўйлашимиз керак?! Ахир турли огоҳлантиришларга қарамай, тилсиз ёв — оловни назоратсиз қолдириб, хунук оқибатларга дучор бўлганлар қанча... Нега ўз ҳаётимизга бунчалар бефарқмиз?!

Унутманг, ҳар қандай ёнғин — бу йўқотишдир!

Қишнинг совуқ кунларига ҳам оз қолди. Кези келганда ҳамюртларимизга шуни эслатиб ўтишимиз керак: бор имкониятларни ишга солиб, қишга тайёргарлик мавсумида ёнғин хавфсизлиги чораларини кўришса, фойдадан ҳоли бўлмасди. Яъни, кўча-кўйда, ҳовлиларда қуриган ўтларни, шох-шаббалар ва хазонларни ўз вақтида йиғиштириб олиб, уларни ёқиб юборишга йўл қўймаслик зарур. Хонадонларда эса носоз электр анжомларни ўз вақтида кўздан кечириб уларни тузатиб қўйиш, эскирган электр симларни янгиларига алмаштириб қўйиш, газ печларини ҳаддан ташқари қиздириб юбормаслик, газли иситиш печларининг мўриларини соз-носозлигини текшириб кўриш, газ плиталари устида кирларни қуритмаслик керак. Электр ва газ иситиш ускуналаридан эҳтиёткорлик билан фойдаланилмаса, кўнгилсиз воқеалар содир бўлиши мумкин.

Шу кунларда бутун мамлакатимизда «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давом этмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарорига биноан 15 декабргача давом этадиган бу ойликдан кўзда тутилган мақсад ҳам юқорида айтиб ўтилган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олишдир. Бинобарин, агар ёнғин чиқиш хавфи сезилса ёки ёнғин чиқса, дарҳол «01» телефон рақами орқали ўт ўчириш хизматини чақиринг. Улар етиб келгунларига қадар ёш болаларни ва катталарни ёнғиндан ҳоли, хавфсиз жойга олиб чиқинг.

**Фахриддин ХОДИЕВ, Миробод тумани ёнғиндан муҳофаза қилувчи 3-сонли ҳарбийлаштирилган хавфсизлик бирикмаси бошлиғи, ички хизмат подполковниги.**

КЎРГАЗМАЛАР

# Технологиялар намойиши

***Пойтахтимиздаги «Ўзкўргазмасавдо маркази»да ЮНИСЕФ тармоқлараро автоматли компьютерлаштириш маркази, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати, Республика олий мактаб халқаро академияси ва «Ўзкўргазмасавдомаркази» ташкилотчилигида «Инновация ва компьютер технологиялари-2001» деб номланган халқаро илмий-амалий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди.***

Унда республикамиз иқтисодиётига салмоқли улуш қўшиб келаётган 21 та кичик ва ўрта корхоналар ўзларининг сўнгги изланишлари натижасида яратган янги замонавий ускуна ва бошқа турдаги маҳсулотлари билан қатнашишди. Шунингдек икки кун давомида кўргазма қатнашчилари турли давлатлардан ташриф буюрган етук мутахассис ва олимларнинг бу борада тайёрлаб келган 250 га яқин маърузаларидан баҳраманд бўлишди.

— Кўргазмада қатнашиш учун манфаатдор бўлган 50 дан зиёд корхоналар ичида яхши кўрсаткичларга эга бўлган ва ишлаб чиқаришда янги ихтиролар қилаётганлари танлаб олинди, — деди «Ўзкўргазмасавдомаркази» реклама ва ахборот бўлими директори Олим Ҳамдамов. — Кўргазмани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад шахсий ихтиролар ва янги технологик жараёнларни тезроқ ҳаётга тадбиқ этишдир. Маълумки, кашфиётчилар ижодий иш билан шуғулланиб гоҳида ўз ихтиросини ҳаётга тадбиқ этишни унутади. Натижада яратилган янгилик асл моҳиятини қисман ёки умуман йўқотиши мумкин. Шу боисдан кўргазманинг тадбиркорлар учун ҳам, ихтирочилар учун ҳам фойдаси катта.

**Очил ҲАЗРАТОВ**

# Бу ажиб дунё

## Худди кинодагидек

Италиялик 23 ёшли Кармино Урчуола комедияли кинолардаги аҳволга тушиб қолди. Авеллино шаҳридан унча узоқ бўлмаган жойда уни машина уриб кетган. Дўхтирлар уни замбилга солиб, «Тез ёрдам»да шаҳар касалхонасига жўнатишган. Лекин касалхона қабулхонасига етиб келишганда машина бўм-бўш: орқа эшик яхши ёпилмаганлиги туфайли жабрланувчи замбил билан бирга йўлда тушиб қолган экан. На ҳайдовчи, на дўхтирлар буни сезишган.

Кармино бўлса касалхонага йўловчи машинада етиб келган.

## Автомобили эсидан чиқибди

Бу дунёда фаромушхотир инсонлар ҳам кўп. Лекин бу борада Ғарбий Германиянинг Дармштадт шаҳрида яшовчи 80 ёшли қарияга етадигани йўқ.

У аввалига ўзининг 45 минг маркали автомобилини ўғирлаб кетишди, деб жар солди. Ҳатто етти ҳафтагача шу хаёлда юрди. Сўнг яхшилаб ўйлаб кўрса... Франкфурт-Майн шаҳридаги пуллик тўхташ жойида унутиб қолдирган экан.

## «Севгилисини» қидириб

Ҳа, айрим жонзотлар ўзига умр йўлдоши излашса, фақат эркаклари шуғулланса, айрим паррандалар борки бунинг аксини қиладилар. Ишонмайсизми? Мана бу ҳодисага қулоқ тутинг-а, ҳаммаси аён бўлади-қолади.

Австралия ва унинг атрофида учраб турадиган катталиги мусичадай келадиган бир қуш бор. Унинг тақдири ажойиб. Бу қушнинг (модаси) ўзига муносиб умр йўлдошини қидиради. Эркаги (нари) кўзга унча ташланмайди, бўлажак жуфти ҳалолини ўзига жалб қилиб оладиган томони шундаки у моҳир қурувчилигини кўз-кўз қилиши керак, токи бўлғуси «қаллиғи» унинг ишига қойил қолсин. Бу қуш дарахт атрофига чиройли кафа қуриб, кафани ҳар хил барглар, юмшоқ нарсалар, ялтироқ майда-чуйда матолар билан безаши керак. Ана шунга атиги тўрт ой вақти кетади бўлғуси «куёвнинг». Уя тайёр, келин уя атрофига келади-да, унга разм солади. Уя унга ёқса, кафага киради. Бу турмуш қуришга розилик демак. Жуфтлар бу кафада асал ойини ўтказадилар. Сўнг урғочи қуш дарахт шохларига уя қуради. Бола очади. Бола боқади. Эркаги бу ишлардан тамоман мустасно бўлади. Ҳамма иш она қуш зиммасида бўлади. Полапонларни учирма қилган она қуш, уларни пастга олиб тушиб, кичкинтойларни ўз оталари билан таништиради. Шу тариқа ҳаёт давом этаверади. Энди ўзимизнинг сайроқи хушовоз булбулга келсак, унинг эркаги бир-бири билан хотин талашмайдилар. Қайси эркакнинг сайраш санъати ва овози ёқимли бўлса бас. Жуфти ҳалолнинг ўзи келади. Ҳа, дунё ажойиботларга тўла. Куласизми ё...

**Шерзод МУРОДОВ, Абдулла ТОЛИПОВ тайёрлашди.**

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-3007. Босмага топшириш вақти 11.30 Топширилди 13.00 1 2 3 4 5 6